# X. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ



Қашқадарё вилояти 1926 йилда ташкил топган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бирлиги ҳисобланади.

Қашқадарё вилояти Ўзбекистон Республикасининг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, майдони 28 567 кв. км.

Вилоятда 21 та ҚФЙ ва 723 та МФЙ жойлашган ва уларнинг худудида 3240,3 минг аҳоли истиқомат қилади, аҳоли зичлиги 1 кв. км. га 112,9 кишига тўғри келади.

Қашқадарё вилояти маъмурий ҳудудий таркиби бўйича 2 та вилоятга бўйсунувчи шаҳар ва 13 та туманга бўлинган.

Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари вилоятга, Ғузор, Қамаши, Қарши, Косон, Китоб, Муборак, Нишон, Чироқчи, Шахрисабз, Яккабоғ шаҳарлари туманга буйсунади.

Маъмурий маркази - Қарши шаҳри аҳолиси 273,1 минг киши.

Қашқадарё вилояти Туркманистон ва Тожикистон давлатлари билан чегарадош, умумий давлат чегараси 313,2 км. бўлиб, улардан Туркманистон Республикаси билан 253,3 км, Тожикистон Республикаси билан 59,9 км.

**Чегара ҳудуди**

Қашқадарё вилояти Самарқанд вилояти билан (276 км), Бухоро вилояти билан (98,3 км), Навоий вилояти билан (12,5 км), Сурхондарё вилояти билан (193,8 км), Тожикистон Республикаси билан (59,9 км) ва Туркманистон Республикаси билан (253,3 км).

Қашқадарё вилоятининг қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудудлари (жами 313,2 км) ҳақида.

Қашқадарё вилояти Туркманистон Республикаси билан жами 253,3 км. чегарадош

Шундан, Нишон тумани **75,7** км чегара худуди **Туркманистон Республикаси**нинг Лебап вилояти Туркманбоши этирафи тумани билан;

Деҳқонобод тумани **75,9** км. Чегара худуди **Туркманистон Республикаси**нинг Лебап вилояти Чоршанбе ва Дўстлик туманлари билан;

Миришкор тумани **79,5** км. чегара ҳудуди **Туркманистон Республикаси**нинг Лебап вилояти Хўжанбас тумани билан;

Ғузор тумани **22,2** км. чегара ҳудуди Туркманистон **Республикаси**нинг Чоржў вилояти Давлатли тумани Сардоба жамоа хўжалиги Чурдул қишлоғи билан чегарадош ҳисобланади.

Шунингдек, вилоят **Тожикистон Республикаси** билан жами **59,9** км. чегарадош

Шундан, Шаҳрисабз туманининг **18,5** км. чегара ҳудуди **Тожикистон Республика**сининг Сўғд вилояти Панжикент тумани Роғич ва Мағён қишлоқлари билан;

Китоб туманининг **41,4** км. чегара ҳудуди **Тожикистон Республикаси**нинг Сўғд вилояти Панжикент тумани билан чегарадош.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 3261,2 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 48,2 минг кишига ёки 1,5 фоизга кўпайди.

**Доимий аҳоли сони**[1)]

*(2019 йил 1 октябрь ҳолатига, минг киши)*

| | *Ташкил топган сана* | *Жами аҳоли* | *шу жумладан:* | |
|---|---|---|---|---|
| | | | *шаҳар аҳолиси* | *қишлоқ аҳолиси* |
| **Вилоят бўйича:** | **1926 йил** | **3261,2** | **1403,4** | **1857,8** |
| *шаҳарлар:* | | | | |
| Қарши | 13.05.1926 й. | 274,6 | 274,6 | - |
| Шахрисабз | 16.05.2017 й. | 138,8 | 138,8 | - |
| *туманлар:* | | | | |
| Ғузор | 29.09.1926 й. | 202,1 | 47,5 | 154,6 |
| Деҳқонобод | 31.08.1971 й. | 145,9 | 27,7 | 118,2 |
| Қамаши | 31.12.1964 й. | 269,3 | 64,1 | 205,2 |
| Қарши | 01.10.1931 й. | 245,6 | 90,1 | 155,5 |
| Косон | 29.09.1926 й. | 282,8 | 148,4 | 134,4 |
| Китоб | 25.12.1968 й. | 262,4 | 98,1 | 164,3 |
| Миришкор | 25.04.2003 й. | 118,5 | 44,6 | 73,9 |
| Муборак | 13.09.1978 й. | 86,1 | 68,3 | 17,8 |
| Нишон | 06.03.1975 й. | 151,3 | 92,0 | 59,3 |
| Касби | 15.10.1970 й. | 194,8 | 75,1 | 119,7 |
| Чироқчи | 22.02.1926 й. | 406,7 | 96,4 | 310,3 |
| Шахрисабз | 29.09.1926 й. | 220,5 | 52,7 | 167,8 |
| Яккабоғ | 29.09.1926 й. | 261,8 | 85,0 | 176,8 |

[1)]дастлабки маълумот



**3261,2 минг киши**

Вилоят бўйича аҳоли сони
(2019 йил 1 октябрь ҳолатига)

**2019 йил бошидан 48,2 минг кишига кўпайди ёки 1,5 % га ўсди**




Шаҳар аҳолиси сони 1403,4 минг киши

(жамига нисбатон 43,0 %)

Қишлоқ аҳолиси сони 1857,8 минг киши

(жамига нисбатон 57,0 %)



**Эркаклар ва аёллар**
(2019 йил 1 октябрь ҳолатига)

Эркаклар 1650,1 минг киши

(жамидан 50,6 %)



Аёллар 1611,1 минг киши

(жамидан 49,4 %)

**Ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши**
*(2019 йил 1 октябрь ҳолатига, минг киши дастлабки маълумот)*



## Туманлар кесимида доимий аҳоли сонининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан таққосланиши

| | *2018 йил 1 октябрь ҳолатига* | *2019 йил 1 октябрь ҳолатига* | *Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, %* |
|---|---|---|---|
| **Вилоят бўйича:** | **3195,1** | **3261,2** | **102,1** |
| *шаҳарлар* | | | |
| Қарши ш. | 269,9 | 274,6 | 101,7 |
| Шаҳрисабз ш. | 136,3 | 138,8 | 101,8 |
| *туманлар:* | | | |
| Ғузор | 198,3 | 202,1 | 101,9 |
| Деҳқонобод | 142,9 | 145,9 | 102,1 |
| Қамаши | 263,4 | 269,3 | 102,2 |
| Қарши | 240,4 | 245,6 | 102,2 |
| Косон | 276,7 | 282,8 | 102,2 |
| Китоб | 257,7 | 262,4 | 101,8 |
| Миришкор | 116,2 | 118,5 | 102,0 |
| Муборак | 84,4 | 86,1 | 102,0 |
| Нишон | 147,8 | 151,3 | 102,4 |
| Касби | 190,8 | 194,8 | 102,1 |
| Чироқчи | 396,8 | 406,7 | 102,5 |
| Шаҳрисабз | 217,1 | 220,5 | 101,6 |
| Яккабоғ | 256,4 | 261,8 | 102,1 |

## 2019 йил январь-сентябрда аҳолининг табиий ҳаракати

| | *киши* | | | *ҳар 1000 кишига* | |
|---|---|---|---|---|---|
| | ***2018 йил январь-сентябрь*** | ***2019 йил январь-сентябрь*** | ***ўсиш, камайиш*** | ***2018 йил январь-сентябрь*** | ***2019 йил январь-сентябрь*** |
| Туғилганлар | 59406 | 62188 | 2782 | 25,0 | 25,7 |
| Ўлганлар | 9449 | 9084 | -365 | 4,0 | 3,8 |
| Табиий ўсиш | 49957 | 53104 | 3147 | 21,1 | 21,9 |
| Никоҳлар | 19006 | 17672 | -1334 | 8,0 | 7,3 |
| Ажралишлар | 1165 | 1130 | -35 | 0,5 | 0,5 |

## 2019 йил январь-сентябрь ойларида туғилиш

*(вилоят бўйича жами 62,2 мингта бола туғилган)*




Ўғил болалар
33,5 минг нафар

Қизлар болалар
28,7 минг нафар

**Туғилиш даражаси.** 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида туғилганлар сони 62188 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (59406 киши) нисбатан 2782 тага кўпайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 25,7 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш даражасининг ўсиши вилоятнинг Қарши шаҳри (18,4 дан 23,5 промиллега Қамаши (25,7 дан 29,4 промиллега), Косон  (25,4 дан 26,9 промиллега), камайиш Чироқчи (31,3 дан 28,7 промиллега), Шаҳрисабз тумани (21,5 дан 20,9 промиллега), Миришкор (24,9 дан 24,2 промиллега) туманларида кузатилди.

**Ўлим даражаси.** 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ўлганлар сони 9084 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (9449 киши) нисбатан -365 тага камайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 3,8 промиллени ташкил қилди. (2018 йил январь-сентябрь ойларида 4,0 промилле).

**2019 йил январь-сентябрь ойларида аҳолининг табиий ҳаракати**

*(ҳар 1000 аҳолига нисбатан промилле)*




Ўлганлар сонининг камайиши Касби (4,4 дан 3,6 промиллега), Чироқчи (3,6 дан 3,1 промиллега), Қарши тумани (4,3 дан 3,9 промиллега), Миришкор (3,8 дан 3,4 промиллега), Яккабоғ (4,4 дан 4,1 промиллега), Шаҳрисабз (4,1 дан 3,8 промиллега) туманларида кузатилди.

Вафот этганлар умумий сонидан 58,6 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан; 9,2 фоизи ўсимта касалликларидан; 6,1 фоизи овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан; 4,2 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан; 6,3 фоизи бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида бир ёшга тўлмаган 441 та болалар ўлими кузатилди.

Бир ёшгача ўлган болаларнинг умумий сонидан 54,9 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан; 22,7 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан; 8,6 фоизи туғма аномалиялардан вафот этган.

**Асосий ўлим сабаблари**

*(2019 йил январь-сентябрь ойларида)*



**Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари**
*(2019 йил январь-сентябрь ойларида, 1000 аҳоли сонига)*

| | Туғилганлар | | Ўлганлар | | Аҳолининг табиий ўсиши | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2018 йил январь-сентябрь | 2019 йил январь-сентябрь | 2018 йил январь-сентябрь | 2019 йил январь-сентябрь | 2018 йил январь-сентябрь | 2019 йил январь-сентябрь |
| **Вилоят бўйича:** | **25,0** | **25,7** | **4,0** | **3,8** | **21,1** | **21,9** |
| *шаҳарлар:* | | | | | | |
| Қарши | 18,4 | 23,5 | 4,2 | 4,6 | 14,2 | 18,9 |
| Шахрисабз | 23,4 | 23,4 | 4,1 | 4,1 | 19,3 | 19,3 |
| *туманлар:* | | | | | | |
| Ғузор | 25,3 | 25,3 | 4,8 | 4,3 | 20,6 | 21,0 |
| Деҳқонобод | 27,5 | 27,7 | 3,7 | 3,6 | 23,8 | 24,1 |
| Қамаши | 25,7 | 29,4 | 3,8 | 3,6 | 21,9 | 25,8 |
| Қарши | 22,5 | 22,8 | 4,3 | 3,9 | 18,2 | 18,9 |
| Косон | 25,4 | 26,9 | 3,6 | 3,6 | 21,7 | 23,3 |
| Китоб | 23,6 | 24,1 | 3,6 | 3,5 | 20,0 | 20,6 |
| Миришкор | 24,9 | 24,2 | 3,8 | 3,4 | 21,0 | 20,8 |
| Муборак | 25,4 | 24,9 | 3,9 | 3,8 | 21,5 | 21,1 |
| Нишон | 26,3 | 26,9 | 3,7 | 3,4 | 22,5 | 23,5 |
| Касби | 24,7 | 25,3 | 4,4 | 3,6 | 20,3 | 21,7 |
| Чироқчи | 31,3 | 28,7 | 3,6 | 3,1 | 27,7 | 25,6 |
| Шахрисабз | 21,5 | 20,9 | 4,1 | 3,8 | 17,4 | 17,1 |
| Яккабоғ | 27,1 | 27,4 | 4,4 | 4,1 | 22,7 | 23,3 |

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ФҲДЁ органларида 17672 та никоҳлар ва 1130 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 7,3 промилле никоҳ (2018 йилнинг тегишли даврида 8,0 промилле) ажралишлар 0,5 промилле (2018 йилнинг тегишли даврида 0,5 промилле) тўғри келади.

**2019 йил январь-сентябрь ҳолатига никоҳ ва ажрим коэффициенти**

*(ҳар 1000 аҳолига нисбатан промилле)*






Никоҳ тузиш коэффициентининг сезиларли даражада ўсиши Косон (8,0 дан 8,3 промиллега), камайиш Қамаши (8,4 дан 7,5 промиллега), Қарши шаҳри (7,5 дан 6,7 промиллега), Китоб (6,8 дан 6,1 промиллега), Касби (9,0 дан 8,3 промиллега), Шаҳрисабз шаҳри (6,6 дан 6,0 промиллега) туманларда кузатилди.

## Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони

*(2019 йил январь-сентябрь ойларида, бирлик)*

| | Тузилган никоҳлар | | Никоҳдан ажралишлар | |
|---|---|---|---|---|
| | 2018 йил январь-сентябрь | 2019 йил январь-сентябрь | 2018 йил январь-сентябрь | 2019 йил январь-сентябрь |
| **Вилоят бўйича:** | **19 006** | **17 672** | **1 165** | **1 130** |
| *шаҳарлар:* | | | | |
| Қарши | 1 498 | 1 372 | 212 | 195 |
| Шахрисабз | 673 | 616 | 66 | 72 |
| *туманлар:* | | 0 | | 0 |
| Ғузор | 1 308 | 1 197 | 67 | 66 |
| Деҳқонобод | 944 | 788 | 33 | 38 |
| Қамаши | 1 636 | 1 504 | 94 | 86 |
| Қарши | 1 397 | 1 381 | 99 | 103 |
| Косон | 1 643 | 1 741 | 55 | 63 |
| Китоб | 1 298 | 1 186 | 119 | 108 |
| Миришкор | 693 | 736 | 46 | 38 |
| Муборак | 601 | 572 | 30 | 25 |
| Нишон | 1 087 | 909 | 52 | 50 |
| Касби | 1 273 | 1 202 | 52 | 56 |
| Чироқчи | 2 441 | 2 080 | 79 | 69 |
| Шаҳрисабз | 1 025 | 948 | 78 | 78 |
| Яккабоғ | 1 489 | 1 440 | 83 | 83 |

**Туманлар кесимида 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида никоҳлар сони,**
*бирлик*




**Никоҳ.** Дастлабки маълумотларга кўра, туманлар бўйича энг юқори никоҳ тузиш даражаси 2080 та Чироқчи, 1372 та Қарши шаҳри, 1741 та Косон ва 1440 та Яккабоғ туманларига тўғри келади.

Туманлар бўйича энг кам никоҳ тузиш даражаси 572 та Муборак, 736 та Миришкор тумани ва 616 та Шаҳрисабз шаҳрига тўғри келади.

**Туманлар кесимида 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида никоҳдан ажралишлар сони бўйича тақсимланиши, бирлик**




**Ажрим.** Дастлабки маълумотларга кўра, туманлар бўйича энг юқори никоҳдан ажралишлар даражаси 195 та Қарши шаҳри, 108 та Китоб, 103 та Қарши ва 86 та Қамаши туманларига тўғри келади.

Туманлар бўйича энг кам никоҳдан ажралишлар даражаси 25 та Муборак, 38 та Миришкор ва 38 та Деҳқонобод туманларига тўғри келади.

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 8616 кишини, 2019 йилнинг шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 12938 минг кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 4,9 минг кишига (2018 йилнинг шу даврида минус 3,2 минг киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Чироқчи (минус 0,8 минг), Шаҳрисабз, Китоб ва Қамаши (минус 0,7 минг) туманларида кузатилди.

**2018-2019 йил январь-сентябрь ойларида аҳолининг миграция кўрсаткичлари**

(киши)

| | *Келганлар* | | *Кетганлар* | | *Миграция салдоси* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *2018 й. январь-сентябрь* | *2019 й. январь-сентябрь* | *2018 й. январь-сентябрь* | *2019 й. январь-сентябрь* | *2018 й. январь-сентябрь* | *2019 й. январь-сентябрь* |
| **Вилоят бўйича:** | **8 616** | **7 984** | **11 836** | **12 938** | **-3 220** | **-4 954** |
| *шаҳарлар:* | | | | | | |
| Қарши | 1 422 | 1 884 | 1 962 | 1 857 | -540 | 27 |
| Шаҳрисабз | 187 | 271 | 317 | 581 | -130 | -310 |
| *туманлар:* | | | | | | |
| Ғузор | 103 | 358 | 594 | 623 | -491 | -265 |
| Деҳқонобод | 257 | 233 | 632 | 710 | -375 | -477 |
| Қамаши | 474 | 304 | 836 | 1 017 | -362 | -713 |
| Қарши | 1 701 | 1 252 | 942 | 936 | 759 | 316 |
| Косон | 523 | 369 | 728 | 729 | -205 | -360 |
| Китоб | 529 | 383 | 825 | 1 120 | -296 | -737 |
| Миришкор | 165 | 251 | 418 | 345 | -253 | -94 |
| Муборак | 481 | 311 | 469 | 429 | 12 | -118 |
| Нишон | 1 147 | 765 | 779 | 706 | 368 | 59 |
| Касби | 429 | 409 | 570 | 546 | -141 | -137 |
| Чирокчи | 171 | 197 | 1 065 | 1 045 | -894 | -848 |
| Шаҳрисабз | 393 | 478 | 789 | 1 133 | -396 | -655 |
| Яккабоғ | 634 | 519 | 910 | 1 161 | -276 | -642 |